



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН + 25 сентябрь 1973 йил, сешанба ♦ № 226 (15.700). ♦ Баҳоси 2 тийин.



Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топирилишига бағишланган тантанали мажлис президиуми. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТИ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги ордени топирилишига бағишланган тантанали кўшма мажлиси

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини эътиборга олганда, тантанали нишонлаган совет халқларининг аҳли олдиси ғалабадан-ғалабага эришиш ишончи билан олға бормоқда. Совет Ўзбекистонининг муваффақиятлари ҳам катта. Коммунистик партия раҳбарлигида ўзбек халқи ўзининг совет миллий давлатига эга бўлди, ўз тақдирининг тўла-тўқис хўжайини бўлиб қолди, бир айланининг умри давомида бутун бир тарихий даврини сарфлаб ўтди, экономикани фан ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта қилам қўйди.

Ўзбекистон Ленин партиясининг продаси, озоқ халқнинг қўли ақд заковати ва ижодий гайрати билан совет халқларининг қардош олдисида қолоқидан қутлиб, янги-янги сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт чўққиларига кўтарилди. Республика меҳнаткашлари қилган социал ўзгаришларнинг натижаларини йиллар эвандар ленинча миллий сийбати қатъият ва изчиллик билан амалга ошираётган, ҳар бир миллатнинг манфаатларини бутун совет халқининг манфаатлари билан оқилона қўшиб олиб бораётган жонажон Коммунистик партияга алоҳида миннатдорчилик ҳисларини изҳор этмоқдалар.

Коммунистик партиянинг ленинча миллий сийбати натижалари учун совет кишиларининг фахрланаётганлиги жуда тушуварли бир ҳолидир. Чор Россияси «халқлар турмаси эди». Мана шу «халқлар турмаси» ўрнида партия бир-бирига тўла ишонига, қардошларча бирдикни очиб ва равшан ағлашга, мутлақо ихтиёрий ишончқа асосланган миллатлар иттифоқини вужудга келтирди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бир сафда туриб, рус ва бошқа қардош совет халқларининг доимий ёрдами ва мададида таяниб, коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришмоқдалар. Улар КПССнинг ташқи ва ички сийбатини, тинчлик ва бунёдкорлик сийбатини қизғин маъқуллаб, қувватламоқдалар. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳар кун ижодкорлик меҳнатининг самаралари қўлга киритилмоқда. Республиканинг ишчилар синфи, қишлоқ меҳнатчилари, зиёлилари беш йиллик планда белгилаб берилган марраларини ағлаш учун муваффақиятли курашмоқдалар. Соноат ходимлари тўққиз ойлик топиришни мўддатдан олдин бажардилар. Ўзбекистон пахтакорлари пахтаининг иккинчи миллион тоннасини давлатга топиришига киришдилар ва бу йил Ватанимиз пахтачиликни ривожлантиришда янги катта муваффақиятлар билан Ватанин қувонтиришга маҳкам бел боғдларлар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг хурмати аъзолари! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг хурмати аъзолари! СССР Олий Совети ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг хурмати депутатлари! Азиз ўртоқлар, дўстлар! Кейинги йилларда мен сизларнинг республикада бир неча марта бўлишим. Ленин бу гал қувончли ва фахрли вазифани бажармоқ учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасига Халқлар дўстлиги орденини топиришга алоҳида маънунийят билан келдим. (Давомли қарсаклар).

Республиканинг байроғидан бу унчи мукофот халқнинг катта меҳнати, коммунистларнинг ташкилотчилиги, илҳомлантирувчи фаолияти, Ватанга садоқат билан қилинган хизматининг ифодасидир. (Қарсаклар). Бу мукофот Советлар мажлисига халқларнинг бузилмас қардошларча иттифоқини мустаҳкамлашга, муштарак коммунистик ишмига Совет Ўзбекистони қилаётган хизмат муносиб эътироф этилганлигининг ифодасидир.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан Ўзбекистоннинг ишчилар синфини, колхозчи деҳқонларини, зиёлиларини коммунистларини, номсозмолларини, ёшларини, барча меҳнаткашларини Ватаниннг юксак мукофоти билан қизғин қутлайман. (Гулдурас қарсаклар). Мана шу қувончли кунда сиз, азиз дўстлар, ни барча совет кишилари қўлаб, муборакбод қилади.

Сизларга маълумки, мен бу сафар сизларнинг, хузурига Болгариядан келдим. У ёрда мен ва мен билан бирга бўлган ўртоқлар Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан самимий ва жуда фойдали суҳбатлар ўтказдим. Халқ Болгариясининг меҳнаткашлари билан узрадик. Софиёдан меннинг қаёрга ва нима учун кетаётганлигини билган ўртоқ Тодор Живков ҳамда Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг бошқа аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари, Болгария ҳукуматининг раҳбарлари Ўзбекистонга юксак мукофот топирилаётганлиги билан сизларнинг ҳаммаганизи қизғин муборакбод қилишни ҳамда болта коммунистларининг ва бутун болгар халқининг энг яхши қардошлик истаklarини айтиб қўйишни мендан илтимос қилишди. Мен энди шу бурчни хурсандлик билан адо этилмай! (Гулдурас, давомли қарсаклар).

А. Н. КОСИГИН ЮГОСЛАВИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Иттифоқ Ижроия вечасининг Раиси Ж. Биендининг таклифига буюнча 24 сентябрда расмий дўстона визит билан Москвадан Белградга жўнаб кетди.

СССР ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда А. Н. Косигини А. А. Гречко, К. Т. Мазуров, М. С. Соломенцев, К. Ф. Катусев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари қузаиб қўйишди.



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. М. Брежнев Ўзбекистон ССР байроғига Халқлар дўстлиги орденини яддаб қўймоқда. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Меҳнат шухрати ва жанговар қаҳрамонликлар рамзи бўлган Ўзбекистон ССРнинг қўш Ленин ордени байроғида Халқлар дўстлиги ордени порлади. Юксак мукофотга жавобан Ватанимизнинг куч-қудратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилаверамиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Халқлар дўстлиги ордени топирилишига бағишланган тантанали мажлиси катнашчилари шу қувончли ва шодона кунда Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига чин қўнғимиздан алагали салом, самимий миннатдорчилик ва фарзандларча садоқат сўзларини изҳор қиламан.

Ўзбекистон ишчилар синфи республиканинг индустриал куч-қудратини оширмоқда, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари бу йил Ватанга 4 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» топириш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма планларини бажариш учун фидокорона кураш олиб бормоқдалар. Республика зиёлилари зўр гайрат билан тўлиб-тошган Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари беш йиллигининг ҳал қилувчи унчи йилини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга қатъий қарор бергандилар.

Социалистик Ўзбекистон меҳнаткашлари республикага юксак мукофот топирилиши муносабати билан зўр қувонч ва ифтихор туйғуларини изҳор қилганлари ҳамда республика экономикасининг юксалганлиги, халқ фаровонлигининг ошганлиги, бутун маънавий ҳаётимизнинг равшан топанлиги оғамиз улуг рус халқи бошчилигидаги барча совет халқларининг биргаликда қилган меҳнати, мундасад дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами натижаси, жонажон Коммунистик партия доно ленинча миллий сийбати тантанасининг натижаси эканлигини яхши билдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг изчил синфини, интернационалистик ташқи сийсий йўлини яқдилли билан маъқулламоқда. Ҳар, улуг Тинчлик программасини изчилли билан амалга ошираётган КПСС Марказий Комитети, унинг Сийсий бюроси ва партиянинг Марказий Комитети Бош секретари шахсан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳормай-тоймай бажарётган ишларини тўла-тўқис қўллаб-қувватламоқдалар.

Улуг Октябрь социалистик революциясининг сўнмас алагаси, барҳаёт Ленин ва у ташкил этган партиянинг дахоси ўзбек халқининг ўрта аср ва феодализм зулматидан социализм сари, замонавий тараққиёт чўққиларини сари босиб ўтган йўлини машаққатдан еритди. Эндилкида Совет Ўзбекистонининг ижодкор кучлари мавж учиб юксалди. Бутун совет халқи каби республика меҳнаткашлари ҳам меҳнат гайрати ва сийсий активлиги мислсиз ўсаётган бир вазиятда ўз хоҳиши — иродаси ва куч-ғайратларини КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини, тўққизинчи беш йиллигининг улкан планларини муваффақиятли суръатда амалга оширишга сафарбар қилмоқдалар.

Социалистик мамлакатлар билан қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш соҳасида ҳамиша-ҳормай-тоймай берилганлиги унинг тинчлик учун курашдаги буюк хизматларини бутун халқ тақдирлаганлигини ёрқин ифода этди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамони фахрий унвонининг берилганлиги катта сийсий аҳамиятга молик воқеа бўлиб, жаҳон мамлакатлиги бун маъқуллади. Бу мукофот партиямига ва халқимизга самимий хурмат ва ишонч рамзи ўртоқ Л. И. Брежневнинг олижаноб ва самарали фаолиятига берилган жуда юксак баҳо бўлди.

Ватаниннг юксак мукофоти республикамизга топирилган тантанали ва унутилмас бир лайтда биз Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, барча социалистик республикаларни ялнатили тўғрисида, совет кишиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида тинмай гамхўрлик қилаётганликларини учун жонажон Коммунистик партияга, унинг жанговар штаби — ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетга самимий ташаккуримизни яна бир марта изҳор қиламан.

Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва меҳнаткаш зиёлилари жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварағида ўз сафарини янада маҳкам жипслаштирамиз, деб тантанали ҳиссама қиладилар, КПСС Марказий Комитетини, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматини ишонтириб, уч ордени Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг меҳнаткашлари коммунизм тантанаси йўлида КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун бундан буён ҳам куч-ғайратларини янги меҳнат қиладилар, деб ваъда бердилар.

Яшаски тинчлик ва халқлар дўстлиги таяни — улуг ва бузилмас Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи!

Улуг Ленин партияси, барча ғалабаларининг илҳомчили ва ташкилотчилиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шен-шарафлар!

